

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЗАКИРОВА ГУЛНОЗА АЛИШЕРОВНА

**СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ
РИВОЖЛАНИШИДА МИЯ НАТРИЙУРЕТИК
ПЕПТИД ГЕНИ ПОЛИМОРФИЗМИНИНГ АҲАМИЯТИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Закирова Гулноза Алишеровна

Сурункали юрак етишмовчилиги ривожланишида мия натрийуретик пептид гени полиморфизмининг ахамияти 3

Закирова Гулноза Алишеровна

Значение полиморфизма гена мозгового натрийуретического пептида в развитии хронической сердечной недостаточности 21

Zakirova Gulnoza Alisherovna

The role of brain natriuretic peptide gene polymorphism in the development of chronic heart failure 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published work 41

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЗАКИРОВА ГУЛНОЗА АЛИШЕРОВНА

**СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ
РИВОЖЛАНИШИДА МИЯ НАТРИЙУРЕТИК
ПЕПТИД ГЕНИ ПОЛИМОРФИЗМИНИНГ АҲАМИЯТИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib873 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cardiocenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Камилова Умида Кабировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хамидуллаева Гулноз Абдусаттаровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Қурбонов Абдуқодир Кенжаевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тиббиёт ходимларини касбий малакасини ривожлантириш маркази (Ўзбекистон)

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси 4-уй. Тел./Факс (99871)237-31-57, e-mail: info@cardiocenter.uz)

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси, 4-уй. Тел./Факс (99871)237-31-57.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ тарқатилди.

2021 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси.

Р.Д.Курбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, академик

Г.У.Муллабаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлар доктори

А.Б.Шек

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) дунё миқёсида энг кўп тарқалган бўлиб, ногиронлик ва ўлимнинг асосий сабаби эканлигича қолмоқда. Европа кардиологлар жамияти маълумотларига кўра, «...ҳар йили ЮҚТКдан 4 миллиондан ортиқ киши вафот этади, улардан 1,4 миллиони 75 ёшгача бўлиб, бу барча ўлимларнинг 45% ни ташкил этади...»¹. Кўп марказли тадқиқотлар маълумотларига кўра, юрак-қон томир касаллигидан ўлим сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) бўлган беморларда кўпроқ учрайди. СЮЕ билан касалланган беморларда тўсатдан ўлим хавфи юрак етишмовчилиги бўлмаган беморларга нисбатан 5 баравар юқори. Касаллик ривожланишини эрта даврлари, касаллик клиник кечиши хусусиятларини эрта аниқлаш қийин муаммо бўлиб, анъанавий клиник-функционал усуллар билан иммунофермент ва молекуляр-генетик ўзгариш аломатларини аниқлаш имконини берадиган сезгир усулларни қўллаш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Жаҳонда сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда клиник-ташхисот асослари ва уларни даволашни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда, сурункали юрак етишмовчилиги беморларда юракнинг клиник-функционал хусусиятларини баҳолаш; сурункали юрак етишмовчилигининг турли клиник шаклларда кечишида молекуляр-генетик ва функционал маркерларни аниқлаш; касаллик ривожланиш хавфини генетик усулларини қўллаган ҳолда эрта аниқлаш ва прогнозлаш тартибини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шулар билан бир қаторда бу беморларда клиник-генетик жараёнларини объектив баҳолаш усулларини такомиллаштириш, ҳамда касаллик ривожланишини башоратлаш услубларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий хизмат тизимни жаҳон талабларига мослаштириш, жумладан юрак-қон томир касалликларини эрта ташхислаш орқали унинг асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»². каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда сурункали юрак етишмовчилиги касалликларда

¹World Health Report. Geneva: World Health Organization. Available from URL: <http://www.who.int/whr/2014/en/statistics.htm>; 2014

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

клиник-генетик ўзгаришларни ташхислаш ва касаллик ривожланиш хавфини прогнозлашни такомиллаштириш ҳамда ногиронлик ва салбий оқибатларга олиб келувчи сабабларини камайтириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида VI. «Тиббиёт ва фармакология» йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қатор тадқиқотлар юрак-қон томир касалликлари патогенетик механизмларини ўрганишга бағишланган (Špinar J, Celano С.М., 2018; Мареев Ю.Н., 2020). Сурункали юрак етишмовчилигининг шаклланиши, клиник кечиши ва прогнозида муҳим омил бўлган нейрогуморал омилларни баҳолаш терапевтик ва профилактика чораларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга (Inamdar А.А., 2017; Арутюнов Г.П., 2019).

Сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда симпатоадренал ва ренин-ангиотензин-альдостерон тизими фаоллиги юқори бўлади ва бу касаллик кечиши зўрайиши ҳамда нохуш прогноз ривожланиши хавфини оширади (Агеев Ф.Н., 2018; Salah К., 2019). Бир қатор марказларда ўтказилган когорт тадқиқотларда сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда мия натрийуретик пептиди миқдорининг ортиши ўлим хавфи ва нохуш прогноз кўпайиши ҳамда бу ген полиморфизми билан ассоцирланишини кўрсатди (Lam С.С., 2019; Cannone V., 2021). СЮЕни даволашнинг замонавий тамойилларида касаллик асоратлари ва нохуш прогнози шаклланишига таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда индивидуал ёндашув зарурати асослаб берилган (Беленков Ю.Н., 2019; Young К.А., 2021).

Ўзбекистонда СЮЕ ривожланишида ва патогенезида бир қатор нейрогуморал омилларни ташхислаш бўйича ва уларнинг генетик полиморфизмини юрак-қон томир касалликлари шаклланишидагини ролини аниқлашга қаратилган қатор, жумладан қуйидаги илмий тадқиқотлар амалга оширилган: сурункали юрак етишмовчилигида нейрогуморал омилларни ҳисобга олган ҳолда эрта ташхислаш ва даволаш усуллари ишлаб чиқилган (Курбанов Р.Д., Абдуллаев Т.А., 2019), касаллик ривожланишидаги номзод генлар полиморфизми ўзгаришларнинг ўзига хосликлари баҳоланган (Гадаев

А.А., 2019; Камилова У.К., 2019), бироқ, сурункали юрак етишмовчилик ривожланишида мия натрийуретик пептидининг генетик хусусиятлари ўзгаришлари ташхисотини илмий асослашга қаратилган ишлар бажарилмаган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, сурункали юрак етишмовчилиги ривожланишини башоратлашда нейрогуморал омилларни янги тамойилларини асослаб бериш, ташхислашда генетик синамалар усулларини такомиллаштириш долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида № ПЗ-20170928334 «Буйраклар дисфункцияси билан кечган сурункали юрак етишмовчилигини клиник-генетик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда даволаш ва профилактикасининг янги персоналлашган усулларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2018–2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади сурункали юрак етишмовчилиги ривожланишини эрта ташхислашда клиник-генетик предикторларни аниқлаш ҳамда прогнозлаш услубларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда касаллик кечишини, юрак ремоделланиш жараёнларини мия натрийуретик пептид миқдори билан боғлиқлигини таҳлил қилиш;

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда мия натрийуретик пептид T(-381)C NPPV (rs 198389) гени полиморфизмининг хусусиятларини баҳолаш;

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда мия натрийуретик пептиди ва унинг T(-381)C NPPV (rs 198389) гени полиморфизмини ҳисобга олган ҳолда касаллик ривожланиши ва кечиши ноҳуш прогностик предикторларини аниқлаш;

сурункали юрак етишмовчилиги ривожланиши ва кечишини эрта ташхислаш усулларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида стационар шароитда даволанган 152 та I-III функционал синфли сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида сўровномалар, клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи, функционал, биокимёвий, иммунофермент ва молекуляр-генетик тадқиқотлар натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник, лаборатор-функционал, молекуляр-генетик ҳамда статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда касаллик клиник кечиши ва юрак ремоделланиш жараёнларида мия натрийуретик пептиди кўрсаткичининг прогностик аҳамияти устунлиги исботланган;

илк маротаба ўзбек миллатига мансуб сурункали юрак етишмовчилиги билан хасталанган беморларда касаллик ривожланишида мия натрийуретик пептиди NPPB rs 198389 генининг молекуляр-генетик детерминантлари аниқланган;

мия натрийуретик пептид NPPB rs 198389 гени полиморфизмининг C аллели ва C/C генотиби оғир сурункали юрак етишмовчилиги ва чап қоринча систолик дисфункцияси ривожланишининг маркерлари сифатида асосланган;

мия натрийуретик пептиди кўрсаткичи ва унинг NPPB rs 198389 гени полиморфизмининг нохуш генетик маркерларини ҳисобга олган ҳолда сурункали юрак етишмовчилиги ривожланишини эрта аниқлаш ва прогнозлашга ёндашув такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот асосида сурункали юрак етишмовчилиги ривожланиш хавфини баҳолаш учун эрта прогностик мезонлар ишлаб чиқилган;

беморларда клиник-функционал ва молекуляр-генетик кўрсаткичлар мезонлари асосида касаллик зўрайиши предикторлари аниқланган;

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда клиник-генетик кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда касаллик кечишини эрта прогнозлаш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилганларнинг сони етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек тадқиқот натижаларининг ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаэларининг илмий аҳамияти мамлакатимизда сурункали юрак етишмовчилиги ривожланишини эрта аниқлаш, молекуляр-генетик ўзгаришларнинг клиник-функционал кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлигини баҳолаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда касаллик ривожланишини эрта аниқлаш ва прогнозлаш тамойилларини мувофиқлаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда касаллик ривожланишини эрта аниқлаш ва прогнозлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда касалликни эрта ташхислаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Сурункали юрак етишмовчилигини эрта диагностикаси усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 15 августдаги 8н-з/285-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда касаллик ривожланишини эрта аниқлаш, касаллик кечиши ва прогнозни яхшилаш имконини берган;

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда касалликни эрта аниқлаш, касаллик кечишини прогнозлаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази, Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, Тошкент вилояти соматик клиник шифохонаси ва Шайхантохур тумани кўптармоқли марказий поликлиникаси амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 26 августдаги 08-09/11025-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши сурункали юрак етишмовчилигини эрта ташхислаш, клиник кечишини прогнозлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 34 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 2 таси Республика ва 2 таси халқаро илмий журналларда чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқот долзарблиги ва талабга мослиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети билан тавсифланган, республика илм-фан ва технологиянинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Сурункали юрак етишмовчилиги патогенезида нейрогуморал омилларнинг клиник-генетик аҳамияти»** деб номланган биринчи бобида юрак қон-томир тизими касалликларида нейрогуморал омилларнинг ўрни, уларнинг генетик детерминантлари таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **«Сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда эрта аниқлашнинг молекуляр-генетик методологияси»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга киритилган беморларнинг умумий тавсифи, тадқиқот усуллари ва натижаларини баҳолашда қўлланилган статистик усуллар келтирилган.

Ўзбек миллатига мансуб СЮЕ билан хасталанган 35-60 ёшдаги 152 та бемор Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий амалий тиббиёт марказида даволанган бўлиб, уларнинг ўртача ёши $53,9 \pm 7,4$

ёшни ташкил этди. Беморлар олти дақиқали юриш синамаси (ОЮС) ва кардиологларнинг Нью-Йорк Ассоциацияси таснифига асосан СЮЕ ФС бўйича гуруҳларга ажратилди. I ФС гуруҳига 31 бемор кириб, уларнинг ўртача ёши $55,8 \pm 6,1$ ни ташкил этди. II ФС гуруҳини ўртача ёши $56,2 \pm 4,9$ бўлган 62 бемор ва III ФСни ўртача ёши $57,2 \pm 4,98$ бўлган 59 бемор ташкил этди. Назорат гуруҳини генетик текширувларга 102 та ўзбек миллатига мансуб соғлом шахслар ташкил қилди.

Беморлар қабул қилган оптимал медикаментоз терапия қуйидагича эди: АПФ ингибиторларини 91% беморлар, АРБлар - 9%, БАБ - 97%, диуретиклар - 42%, спиронолактон - 51%, эплеренон - 40%, аспирин - 100%, нитратлар - 29%, статинлар беморларнинг 91%и қабул қилган.

Барча беморларга ЭКГ, клиник ва биохимик текширувлар комплекси ўтказилди. Беморларга ОЮС, клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи (КХБШ) бўйича клиник ҳолатни баҳолаш, эхокардиография (ЭхоКГ) доплерография билан ўтказилди. СЮЕ ли 152 та беморда нейрогуморал статусни плазмада NTproBNP (МНУП) миқдорини «Вектор Бест» фирмаси (Россия) реактивлари ёрдамида иммунофермент усулида «Humareader HS» (Германия) иммунофермент анализаторида аниқланди. Молекуляр – генетик текшириш орқали T(-381) C NPPB (rs 198389) генининг полиморфизми полимераз занжир усули билан Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказида ўрганилди.

Истисно мезонлари қуйидагилардан иборат: ўпка, жигар ва буйрак функциялари бузилиши билан кечувчи касалликлар мавжудлиги, мураккаб аритмиялар, II-III даражали синоатриал ёки атриовентрикуляр ўтказувчанликнинг бузилиши; хилпироқ аритмиянинг доимий шакли, қандли диабет; анамнезда бош мия ўткир қон айланиш бузилишлари ўтказганлиги.


Диссертациянинг «Сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда касаллик кечиши ва ремоделланиш жараёнларида мия натрийуретик пептиди ўрни» деб номланган учинчи бобида сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда касаллик кечишини МНУП кўрсаткичи билан боғлиқлиги таҳлили келтирилган.

Текширилган СЮЕ I ФСли беморларда жисмоний зўриқишларга чидамлилиқ ОЮС натижаларига кўра $428,5 \pm 19,4$ метрни ташкил қилди. СЮЕ II ва III ФС ли беморларда жисмоний зўриқишларга чидамлилиқ СЮЕ I ФСли беморлар ОЮС натижаларидан 18% ва 44% пасайганлигини кўрсатди ва мос равишда $358,8 \pm 23,3$ ва $226,6 \pm 26,5$ метрларни ташкил этди. СЮЕ I ФС да КХБШнинг дастлабки кўрсаткичлари мос равишда $4,7 \pm 1,29$ баллни ташкил этди. СЮЕ II ФС да беморлар клиник ҳолатининг ёмонлашуви қайд этилди, бу СЮЕ I ФС бўлган беморларга нисбатан КХБШ кўрсаткичларининг 25% юқорилиги ($p < 0,05$) билан ифодаланди ва мос равишда $6,7 \pm 0,96$ баллга тенг бўлди. СЮЕ III ФС да мазкур кўрсаткич – $8,8 \pm 0,92$ баллни ташкил қилиб ($p < 0,001$), СЮЕ I ФС беморларидаги КХБШ кўрсаткичларига нисбатан 90% юқори бўлган.

СЮЕ бўлган беморларнинг нейрогуморал ҳолати кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатдики нейрогуморал омилларнинг фаоллашуви қайд этилиб, у барча текширувдан ўтган беморларда МНУП миқдорининг ошиши билан ифодаланди. СЮЕ I ФСли беморларда МНУП назорат гуруҳи кўрсаткичидан 121% ($p < 0,001$) га ортиқлиги аниқланди. СЮЕ беморларда назорат гуруҳига нисбатан МНУП миқдори I ФСда 2,2 марта, II ФС да 3 марта ва III ФС да 4,2 марта ортиқ бўлди. СЮЕ III ФС гуруҳида нейрогуморал омиллар миқдорининг ошиши бўйича беморларни тақсимланиши таҳлили шуни кўрсатдики, мазкур гуруҳда МНУП миқдорининг ўрта юқори даражада ошиши мос равишда 54,6% ҳолатда аниқланди.

СЮЕ билан касалланган беморларда МНУП миқдори 218,5 дан 1045,5 пг/мл гача ташкил этди. Шунинг ҳисобига олиб бу кўрсаткич медиананинг пастки қисми бўйича ўрта юқори 400 пг/мл дан паст ва медиананинг юқори қисми бўйича юқори даража - 400 пг/мл дан юқори кўрсаткичларига бўлинди ва ўрта юқори кўрсаткичли беморлар 53,9%ни ташкил этди. Тадқиқот натижалари таҳлили шуни кўрсатдики, СЮЕ I ФС беморларида МНУП миқдорининг ўрта юқори миқдори 24 (77,4%) беморларда кузатилди, юқори миқдори эса 7 (22,6%) беморда аниқланди. СЮЕ II ФС беморларида МНУП миқдорининг ўрта юқори миқдори 33 (53,2%) беморларда кузатилди, юқори миқдори эса 29 (46,8%) беморда аниқланди. III ФС беморларида МНУП миқдорининг ўрта юқори миқдори 25 (42,4%) беморларда аниқланди ва 34 (57,6%) беморларда МНУП миқдори 400 пг/млдан юқори бўлган.

Касаллик клиник кечиши кўрсаткичлари – ОЮС ва КХБШ кўрсаткичлари МНУП миқдори билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилинганда, 400 пг/мл дан паст СЮЕли беморларда ОЮС $358,9 \pm 49,9$ метрни ва 400 пг/мл дан юқори кўрсаткичга эга беморларда $306,8 \pm 61,2$ метрни ташкил этди. КХБШ кўрсаткичлари МНУП миқдори 400 пг/мл дан паст СЮЕли беморларда $5,8 \pm 1,8$ баллни ташкил этди, 400 пг/мл дан юқори кўрсаткичга эга беморларда эса $7,2 \pm 2,1$ баллни ташкил этди (1 расм).



1-расм. СЮЕ билан касалланган беморларда ОЮС ва КХБШ кўрсаткичларини МНУП миқдори билан боғлиқлиги

СЮЕ билан касалланган, МНУП миқдори 400 пг/мл дан юқори кўрсаткичга эга беморларда ОЮС кўрсаткичи МНУП миқдори 400 пг/мл дан паст беморларга нисбатан 1,2 баробар паст бўлди, КХБШ кўрсаткичи эса 1,25 баробар юқори бўлди. ОЮС ва КХБШ кўрсаткичлари ва МНУП миқдори ўртасида ишончли корреляция аниқланди ($r=0,62$, $r=-0,53$).

СЮЕ билан касалланган беморларда ЭхоКГ кўрсаткичларини таҳлилга кўра, ЧҚ нинг систолик дисфункцияси (ОФ<40%) 48 (31,6%) беморда кузатилди. 61 (40,1%) беморда ЧҚ нинг қисқариш фаолиятининг ўртача пасайиши (40-49%) кузатилди. Қолган 43 (28,2%) беморда ЧҚ ОФ 50% дан юқори эди.

СЮЕ билан касалланган беморларда МНУП миқдорининг ОФ кўрсаткичлари билан боғлиқлиги таҳлили, улар орасида ассоциация бор эканлигини аниқлади. СЮЕ билан касалланган беморларда ЧҚ систолик ва диастолик функцияси кўрсаткичларини МНУП миқдори билан боғлиқлигини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, МНУП>400 пг/мл гуруҳдаги беморларда ОФ ишончли паст, охириги диастолик ҳажм ва охириги систолик ҳажм кўрсаткичларининг ишончли юқори эканлиги қайд этилди.

Диссертациянинг «Сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда натрийуретик пептид NPPB (rs 198389) гени полиморфизми хусусиятлари ва прогностик аҳамияти» деб номланган тўртинчи бобида сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда натрийуретик пептид NPPB (rs 198389) гени полиморфизмининг тарқалиш ва прогностик хусусиятлари таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг ушбу бобида мия натрийуретик пептиднинг NPPB (rs 198389) 1 хромосомада жойлашган ва тимин нуклеотидни цитозинга алмашган (Т/С) полиморфизмини ўрганиш натижалари келтирилган. Назорат гуруҳида (n = 102) С(-381)Т NPPB (rs 198389) генининг полиморф вариантынинг Т ва С аллелларининг тақсимланишини ўрганиш Т аллелнинг 59,8% (n = 122) ва С аллелнинг 40,2% (n= 82) ҳолатларда учрашини аниқлади. Ушбу полиморфизмнинг Т / Т, Т / С ва С / С генотипик вариантлари мос равишда 36,3% (n = 37), 47,1% (n = 48) ва 16,7% (n = 17) ҳолларда аниқланган.

СЮЕ билан касалланган беморларнинг умумий гуруҳида (n = 134) Т аллелнинг улуши 51,1%ни (n = 137) ташкил этди, С аллелининг улуши эса 48,9% гача (n = 131) ошиши кузатилди. Бу хусусиятларга қўшимча равишда, генотипик частоталарда Т / Т генотипининг улуши 25,4% гача (n = 34) камайди, Т / С ва С / С генотипларининг частоталари мос равишда 51,5% гача (n = 69) ва 23,1% (n = 31) гача ошиши кузатилди.

Бу хусусиятлар С(-381)Т NPPB ген полиморфизмининг С/С генотиби билан боғлиқлигини кўрсатиши билан СЮЕ хавфи ортиши мумкинлигини башоратлайди. СЮЕ ли беморларнинг текширилган гуруҳларида С(-381)Т NPPB (rs 198389) генининг полиморф варианты учун генотипларнинг тарқалиш частотасини баҳолаш (Т / Т генотиби учун - 0.25 ва 0.26, $\chi^2=0.03$; Т / С генотиби учун - 0.51 ва 0.5, $\chi^2=0.06$; С / С генотиби учун - 0.23 ва 0.24, $\chi^2=0.03$ да $p=0.7$) ва назорат гуруҳида (Т / Т генотиби учун - 0.36 ва 0.36, $\chi^2=0.007$; Т / С - генотиби учун 0.47 ва 0.48, $\chi^2=0.022$; С / С генотип учун - 0.17 ва 0.16, $\chi^2=0.016$

да $p=0.8$), ХВМга кўра, кузатилган частоталарнинг кутилган тақсимотга мослигини кўрсатди (1 -жадвал).


1- жадвал

СЮЕ билан касалланган беморларда ХВМ бўйича С(-381)Т NPPB гени полиморфизмининг кузатилаётган ва кутилаётган аллель ва генотипларининг тақсимланиши

Аллеллар	Аллеллар учраши				
Т	0.51				
С	0.49				
Генотиплар	Генотиплар учраши		χ^2	p	df
	Кузатилаётган	Кутилаётган			
Т/Т	0.25	0.26	0,03	0.7	1
Т/С	0.51	0.5	0.06		
С/С	0.24	0.24	0.03		
Жами	1.0	1.0	0.1		


Бундан ташқари СЮЕ ли беморларнинг умумий гуруҳида гетерозиготлик етишмовчилиги мос равишда 0,51 дан 0,5 гача, назорат гуруҳида эса 0,47 дан 0,48 гача, Д +0,04 ва -0,02 га тенг, бу ўрганилган гуруҳларда NPPB генининг rs 198389 локусининг гетерозиготлик даражаси ўртача кўрсаткичини тасдиқлайди.

СЮЕ ли беморлар гуруҳларида ФС га қараб С(-381)Т NPPB (rs 198389) генининг(полиморфизмининг аллеллари ва генотипларининг частота тақсимланишини таҳлил натижалари ўзига хос фарқларга эга бўлди. СЮЕ ли беморлар гуруҳида кузатилган аллелларнинг частотаси I ФС (n = 46) беморларида назорат гуруҳидаги дастлабки қийматлардан деярли фарқ қилмади (С аллель учун - 59,8% (n = 55) ва 59,8% (n = 44), Т аллель учун - 40,2 % (n = 37) ва 40,2 % (n = 82)) ни ташкил этди. Шу билан бирга, беморлар орасида генотипик вариантлар учрашининг нисбати ҳам назоратда гуруҳига деярли мос келади (Т / Т генотипи учун - 37,0% (n = 17), 36,3% (n = 37), Т учун / С генотипи - 45,6% (n = 21) ва 47,1% (n = 48); С / С генотипи учун - 17,4% (n = 8) ва 16,7% (n = 17)) (2-расм)



2-расм. СЮЕ билан касалланган беморларда NPPB генининг rs 198389 полиморфизми аллеллар учрашининг ФС билан боғлиқ тақсимланиши

Аммо II ФС (n = 62) бўлган СЮЕ ли беморлар гуруҳидан бошлаб, Т аллелининг частотаси 47,6% гача (n = 59) камайди, С аллелининг частотаси эса 52,4% га (n = 65) ошди. Ушбу ўзгаришларга мувофиқ, Т / Т генотипининг улуши 19,3% гача (n = 12) камайди, Т / С ва С / С генотипларининг улуши 56,4% (n = 35) ва 24,2% гача (n = 15) кўпайди (3-расм).



3-расм. СЮЕ билан касалланган беморларда NPPB генининг rs 198389 полиморфизми генотиплари учрашининг ФС билан боғлиқ тақсимланиши

III ФС (n = 26) бўлган СЮЕ ли беморлар гуруҳида кучлироқ ўзгаришлар кузатилди, бу ерда Т ва С аллелларининг частоталари 44,2% (n = 23) ва 55,8% (n = 29) ҳолатларда қайд этилди ва Т/Т, Т/С ва С/С генотипларининг учраши мос равишда 19,2% (n = 5), 50,0% (n = 13) ва 30,8% (n = 8) ни ташкил этди.

Шундай қилиб, СЮЕ ли беморлар гуруҳида ҳам, ФС II ва ФС III билан касалланган СЮЕ гуруҳларида ҳам ижобий Т аллель ва Т / Т генотипи улушининг камайиши аниқланди. СЮЕ ва назорат гуруҳлари ўртасида С(-381)Т NPPB (rs 198389) генининг полиморфизмининг аллель частоталари ва генотипларининг тарқалишидаги фарқларни қиёсий таҳлили назорат гуруҳидан фарқли равишда СЮЕда С аллель ва Т / С генотиплари ва С/С улушлари билан ортиши билан боғлиқ салбий аллель ва генотиплар учраши ҳолатларининг кўпайиши ҳамда уларнинг оғир СЮЕ ривожланиши билан боғлиқлик борлигини кўрсатади.

СЮЕ нинг умумий гуруҳи беморларида нохуш С аллель учраши бўйича назорат гуруҳи ўртасида орасида фарқ 1,4 барабар ошиши билан тавсифланади ($\chi^2=3.5$; $P=0.06$; $OR=1.4$; $95\%CI: 0.98-2.06$). СЮЕ ли беморлар гуруҳида ижобий Т / Т генотипининг ишончли пасайиши билан бирга ($\chi^2=3.2$; $P=0.07$; $OR=0.6$; $95\%CI: 0.34-1.04$) салбий Т / С ($\chi^2=0.4$; $P=0.5$; $OR=1.2$; $95\%CI 0.71-2.0$) ва С/С генотипларининг ($\chi^2=1.5$; $P=0.2$; $OR=1.5$; $95\%CI 0.77-2.90$) ошиши кузатилади ҳамда бу кўрсаткич назорат гуруҳи нисбатан мос равишда 1,2 ва 1,5 баробар юқори кўрсаткични ташкил этади. СЮЕ ли беморларнинг умумий гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан гомозиготали Т аллелнинг (51,8% нисбатан 59,8%га) ва Т / Т генотипининг (25,4% нисбатан 36,3%га) камайиши уларнинг СЮЕ

ривожланишидаги потенциал ҳимоя таъсирини пасайишини кўрсатади. СЮЕ билан касалланган беморларда гомозиготли С / С генотипини учраш ҳолатларининг назорат гуруҳига қараганда 1,5 баравар кўпайиши (23,1% нисбатан 16.7%га; $\chi^2=1.5$; $P=0.2$; $OR=1.5$; 95%CI 0.77-2.90) бизга СЮЕ пайдо бўлиш ва ривожланиш хавфининг ортиши билан боғлиқлик тенденцияси мавжудлигини тасдиқлайди.

СЮЕ касалларининг умумий гуруҳида аниқланган NPPB генининг rs 198389 полиморфизм аллеллари ва генотипларининг тақсимланишидаги фарқлардан, яъни С аллель ва С/С генотиплари учраши ортининг аниқ тенденциясидан фарқли равишда СЮЕ билан касалланган I ФС ли беморлар орасида генотип, назорат кўрсаткичларига нисбатан, бу генетик полиморфизмнинг аллеллари ва генотипларини ташишида ўзгаришлар аниқланмади. Шундай қилиб, СЮЕ билан касалланган I ФС ли беморлар орасида Т (59.8% га нисбатан 59.8%) ва С (40.2% га нисбатан 40.2% га) аллелларининг частоталари амалдаги назоратдаги гуруҳга мос келади ($\chi^2<3.85$; $p>0.05$; $OR=1.0$; 95%CI: 0.61-1.65) ва Т / Т генотипларининг частоталари (37.0% нисбатан 36.3%га; $\chi^2<3.85$; $p>0.05$; $OR=1.0$; 95%CI: 0.50-2.1), Т / С (45.6% га нисбатан 47.1%; $\chi^2<3.85$; $p>0.05$; $OR=0.9$; 95%CI: 0.4-1.9) ва С / С (17.4% нисбатан 16.7%га; $\chi^2<3.85$; $p>0.05$; $OR=1.0$; 95%CI: 0.42-2.65) назорат гуруҳи кўрсаткичларидан ишончли фарқ қилмади. Шу муносабат билан, NPPB генининг rs 198389 полиморфизми ва СЮЕ I ФС ривожланиши ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқлиги аниқланди.

С аллель ва Т/Т генотип учраш частоталаридаги фарқларни назорат гуруҳига нисбатан қиёсий баҳолаш натижалари СЮЕ II ФС ривожланиш хавфи ва NPPB генининг rs 198389 полиморфизми орасида генетик ассоциация белгиларининг мавжудлиги кузатилди. Минор С аллелининг учраши бу беморлар орасида назорат гуруҳидагига нисбатан статистик ишончли даражада 1,6 баравар ошди (52,4% нисбатан 40.2%га; $\chi^2=4.7$; $p=0.03$; $OR=1.6$; 95%CI: 1.04-2.57). Шу билан бирга, СЮЕ ФС II билан касалланган беморларда ижобий Т / Т генотипнинг учраши нисбати анча кам қайд этилди (19,3% нисбатан 36.3% га; $\chi^2=5.3$; $p=0.02$; $OR=0.4$; 95%CI: 1.19-0.89). Салбий С / Т ва Т / Т генотипларнинг беморлар орасида учраши нисбати ошиши: 1,5 баробар (56,4% га нисбатан 47.1%; $\chi^2=1.4$; $p=0.2$; $OR=1.5$; 95%CI: 0.77-2.75) ва 1,6 баробар (24,2% га нисбатан 16.7%; $\chi^2=1.4$; $p=0.2$; $OR=1.6$; 95%CI: 0.73-3.48)га қарамай, назорат гуруҳидаги ушбу кўрсаткичларга нисбатан ишончлилик қайд этилмади. Худди шундай ҳолат, СЮЕ билан касалланган II ФС ли беморларда NPPB генининг rs 198389 полиморфизмининг аллель ва генотипларининг тақсимланиши ФС I ли беморлар гуруҳи билан қиёсий солиштирганда ҳам тасдиқланди, яъни С аллелининг учраш частотасининг ошишига мойиллик (52,4% нисбатан 40.2 га %; $\chi^2=3.1$; $p=0.07$; $OR=1.6$; 95%CI: 0.95-2.82) ва Т / Т генотипининг ишончли пасайиши (19,3% нисбатан 37.0% га; $\chi^2=4.2$; $p=0.04$; $OR=0.4$; 95%CI: 0.17-0.97) билан тавсифланди. Аммо Т / С генотипи учраши (56,4% нисбатан 45.6% га; $\chi^2=1.2$; $p=0.3$; $OR=1.5$; 95%CI: 0.71-3.32) ва С / С генотипи учраши (24,2% нисбатан 17.4% га; $\chi^2=0.7$; $p=0.4$; $OR=1.5$; 95%CI:

0.58-3.95) ишончли фарқланмади. СЮЕ билан касалланган II ФС ли беморлар гуруҳидаги NPPB генининг rs 198389 полиморфизмини ўрганиш бўйича ўтказилган таҳлил натижалари, салбий С аллели учраш частотасининг ошиши ва ижобий генотип Т / Т генотипининг учраш частотаси камайиши натижасида функционал фаоллиги пасайишиг СЮЕ ФС II ривожланишининг юқори хавфи борлиги билан ишончли ассоцирланди.

СЮЕ билан касалланган III ФС гуруҳида С(-381)Т NPPB генининг (rs 198389) полиморфизмининг аллель частоталари ва генотипларининг тақсимланишидаги фарқларни таққослаш таҳлили, назорат гуруҳи ва СЮЕ билан касалланган беморлар билан солиштирганда минор С аллели улуши касалликнинг ривожланиш хавфини 2,0 баробар ишончли кўпайиши билан ассоцирланди: (44,2% нисбатан 59.8%га; $\chi^2=4.1$; $p=0.04$; OR=1.9; 95%CI: 1.01-3.46) ва Т / Т генотипининг камайиши тенденцияси (19,2% нисбатан 36.3%га; $\chi^2=2.7$; $p=0.1$; OR=0.4; 95%CI: 0.14-1.20) ва С / С генотипи учраш частотасининг ошиши (30,8% нисбатан 16.7%га; $\chi^2=2.6$; $p=0.1$; OR=2.2; 95%CI: 0.83-5.93) кузатилди. СЮЕ билан касалланган III ФС беморларнинг кўрсаткичлари I ФС гуруҳидаги беморлар солиштирганда, С аллель частотасининг қарийб 2,0 баравар ошишига мойиллик мавжудлиги билан ажралиб турарди (44,2% нисбатан 59.8%га; $\chi^2=3.2$; $p=0.07$; OR=1.9; 95%CI: 0.94-3.72), Т / Т генотипининг камайиши (19.2% нисбатан 37.0%га; $\chi^2=2.5$; $p=0.1$; OR=0.4; 95%CI: 0.13-1.27) ва С / С генотип ташиш улушининг 2,1 баравар кўпайиши (30,8% нисбатан 17.4%га; $\chi^2=1.7$; $p=0.2$; OR=2.1; 95%CI: 0.68-6.52) билан тавсифланди (2 -жадвал).

Шундай қилиб, Т(-381)С NPPB (rs 198389) генининг полиморфизмининг аллеллари ва генотипларининг тарқалишининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва уларнинг СЮЕ ҳосил бўлиш хавфидаги аҳамиятини баҳолаш натижасида функционал жиҳатдан салбий С аллелининг СЮЕ нинг келиб чиқишидаги аҳамияти қайд этилди. Хусусан, С аллелининг частотасининг

2- жадвал

III ФС СЮЕ билан касалланган беморларда ва назорат гуруҳида Т(-381) NPPB гени полиморфизмининг аллель ва генотипик вариантлари хусусиятлари

Аллель ва генотиплар	Текширилган аллель ва генотиплар				χ^2	P	OR	95% CI
	III ФС ХСН		Назорат					
	n	%	n	%				
Т	23	44.2	122	59.8	4.1	0.04	1.9	1.01-3.46
С	29	55.8	82	40.2				
Т/Т	5	19.2	37	36.3	2.7	0.1	0.4	0.14-1.20
Т/С	13	50.0	48	47.1	0.07	0.8	1.1	0.47- 2.6
С/С	8	30.8	17	16.7	2.6	0.1	2.2	0.83- 5.93

ошиши СЮЕ ФС II ва ФС III ривожланиш хавфининг деярли икки баробар ошиши билан боғлиқ ($P < 0.05$). Бундан ташқари, натижалар СЮЕ ФС II ва ФС III нинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда С/С генотипининг ҳимоя фаоллигининг пасайишини аниқ кўрсатиб турибди. Бу шуни англатадики, юқори статистик аҳамиятга эга бўлган NPPB генининг rs 198389 локусининг С аллели СЮЕ ФС II ва ФС III ҳосил бўлиш хавфини оширувчи маркер деб қараш мумкин.

СЮЕ ли беморларда отилиш фракциясига (ОФ) қараб NPPB генининг rs198389 генотиплари полиморфизми частотасининг тақсимланишини баҳолаш ОФ > 50% бўлган беморларда Т / Т генотипининг энг юқори частотадалигини (41,9%, $n = 18$) салбий Т / С (44,2%, $n = 19$) ва С / С (13,9%, $n = 6$) генотипларини ташиш улуши пастлиги қайд қилинди. ОФ = 40-49% бўлган беморлар орасида бу генотипларнинг улуши 19,7% ($n = 12$); 57,4% ($n = 35$) ва 22,9% ($n = 13$) да қайд этилган. Шу билан бирга, максимал фарқ ОФ < 40% бўлган СЮЕ ли беморлар ўртасида генотип тақсимоти нисбатида аниқланди, унга кўра Т / Т генотипининг частотаси 13,3% ($n = 4$) гача камайди ва С / С генотипининг частотаси 36,7% га ошди ($n = 11$).

